



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 11 ноябрь, чоршанба • № 88 (11.071) • Эркин нарҳда сотилади

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

9 ноябрь куни Самарқандда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, қўмида, уюшма ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашди.

Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда вилоятда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва тарихий обидаларни тиклаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ўзгариш-

ларга эришилганини, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликда муайян муваффақиятлар қўлга келтирилганини таъкидлади.

Шу билан бирга, эришилган ютуқлардан боши айланиб қолган айрим раҳбарларнинг ҳатти-ҳаракатлари вилоят аҳолиси ўртасида ҳаққоний эътирозларга сабаб бўлди. Маҳаллий раҳбарлар ора-

сида қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатлар авж олди.

Йўлбошчимиз янги замон, янги турмушимизга ёт бундай иллатларнинг туб илдизи адолат торозиси бузилганлигида эканини таъкидлади. Улардан фориг бўлиш учун барчамиз мамлакатимизнинг буюк келажиги йўлида, эл-юрт гамида ёниб яшашимиз лозим, деди Президент.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Алишер Мардиев ўз аризасига биноан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ис-

лом Каримов тавсиясига биноан Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Н. Жўраев, У. Худойкулов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Б. Олимжонов, М. Усмонов, В. Чжен, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев иштирок этди.

Беход УСМОН, Ҳамза ШУКУРОВ, Ўза Мухбирлари.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Э. М. Рўзиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12 банди) ва 102 моддаларига мувофиқ Эркин Махмудович Рўзиев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 9 ноябрь.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А. М. Мардиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида

Алишер Мардиевич Мардиев ўз аризасига биноан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 9 ноябрь.

## Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

### МУАЛЛИМЛАР ЎРГАНМОҚДАЛАР

Кўни кеча вилоят халқ таълими бошқармасида республикамиз Президентининг Ислам Каримовнинг яқинда нашрдан чиққан «Ўзбекистон — буюк келажак сари» китобини ўрганишга бағишланган йиллиги бўлиб ўтди. Унда педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ўқитувчилари, барча туман ва шаҳар мактаблари раҳбарлари, мураббийлар иштирок этдилар.

Йилгилишда фалсафа фанлари номзоди Турсунбой Султонов, иқтисод фанлари номзоди Екубжон Ортиқов ва бошқалар Президентимизнинг янги китоби юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, асарнинг энг муҳим жиҳатларига кенг тўхтадилар.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Олег Тожиев мамлакатимизда маърифат, таълим, маънавиятни юксалтиришда муаллимлар учун Президентнинг ушбу китоби ҳам катта аҳамиятга молик дастуриламал бўлажаклигини таъкидлади.

Муродулла ҒОФУРОВ.

### ОИЛАНГ ТИՇЧ, МАХАЛЛАНГ ТИՇЧ

КЕЛАЖАКНИНГ истиқболли ва ёруғ бўлиши ҳозирги ёшларнинг нечоғлиқ тарбияланганлигига боғлиқдир. Шу жиҳатдан ҳам аҳоли ўртасида маърифий-тарғибот ишларини олиб боришда маҳаллаларнинг ўрни беқийсдир.

Ана шу мақсадда яқинда Ангрэн шаҳридаги «Облик» маҳалласи хотин-қизлар қўмитасининг раисаси Ойиниса Топиловнинг ташаббуслари билан «Ойла тинчилиги» — маҳалла тинчилиги, маҳалла тинчилиги — юрт фаровонлиги» тадбирини ўтказишди. Айниқса, «Кайнонали келин» қарқара келин, кайнонаси

«Келин — масҳара келин» кўриғи иштирок этган шаҳарликларда катта кизиқчи уйғотди. Бундай учрашувлардан илҳомланган «Геологлар», Хунубоев номли ҳамда «Гуруму» маҳаллалари аъзолари ҳам шундай тадбирларни уюштиришга қарор қилишди.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

### АХБОРОТ МАРКАЗИ ЁРДАМ БЕРАДИ

ОЛМАЛИҚНИ илгари қончилар шаҳри деб билишарди. Энди у тадбиркорлар шаҳри сифатида ҳам кенг танилмоқда. Ҳозир бу ерда 358та хусусий корхоналар иш олиб борапти.

Шаҳар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси уларнинг оёққа мустаҳкам туриб олиб, мунтазам ривожланиб бориши учун барча зарур ёрдамни кўрсатмоқда. Яқинда палата қосида ахборот-маслаҳат маркази очилди. Палата раиси Абдуназар Очиловнинг айтишича, ушбу марказ та-

ишлаб чиқариш ва аҳолига намунали хизмат кўрсатиш технологияси, ҳуқуқий ахборот бериш, бизнес-режаларни тузиш, кредитлар олиш, бухгалтерлик ҳисоб-китобларини олиб бориш ишларини ўргатади, тажрибаларини оширади, амалий ёрдам беради.

Раҳим ҚОДИРОВ.

### БУНИСИ «ХИСАРАК»ДА

ВИЛОЯТИМИЗДА қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган дастури асосида қишлоқ жойларда янги-янги маданий-маиший бинолар, иш ўринлари, мактаблар ва қишлоқ даволаш масканлари ишга тушмоқда.

Ўтган тўққиз ой давомида туманларда 5та қишлоқ даволаш маскани, 1736 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 237,7 километр табиий газ қувурлари, 52 километрдан ортиқ ичимлик сув тармоқлари, 152,4 миң квадрат метр уй-жойлар қурилди. Бундан ташқари, 3,98 миң квадрат метр янги савдо дўконлари, 696 ўринли умумий овқатланиш корхоналари, 23та маиший хизмат объектлари ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Кўни кеча ана шу дастурда белгиланган яна бир бино фойдаланишга топширилди. Паркент туманининг «Хисарак» қишлоғида барпо этилган замонавий қишлоқ врачлик муассасаси аҳолига хизмат кўрсата бошлади. 22 хонадан иборат бу масканда аҳоли саломатлигини тиклаш, муҳофазат қилиш, муолажа ўтказиш учун барча шариқларни қамраб олади. Янги ахборот-маслаҳат маркази ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳноза АБДУАЗИМОВА.



## «БОВ КО ЛТД»ДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ

КИБРАЙ туманидаги қўшма корхоналар яна биттага қўшайди. Қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхонани Ўзбекистон — Жанубий Корея тадбиркорлари ҳамкорлигида барпо этишди. Корхона маҳсулотларининг бозорига чаккон бўлмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ буюртмачилар сони ортиб борапти. Асосан қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини солишга мўлжалланган полипропилендан тайёрланган қоплар чидамиллиги билан ҳам аждралиб туради. Ҳозир уларнинг — 20 килограмм ҳажмлилари тайёрланмоқда. Келгусида бозор талабига қараб 3, 10, 15 ва 30 килограмм маҳсулот солишга мўлжалланган қопларни ҳам ишлаб чиқариш мумкин.

— Қўшма корхонамиз, — дейди корхона директори Ким Чжон Кю, — қисқа муддатда қуриб битказилди. Барча асбоб-ускуналар замонавий бўлиб, Япония ва Жанубий Кореядан келтирилган. Унинг ҳозирги ишлаб чиқариш қуввати ҳар ойда бир миллион донга қоп тайёрлаш имконини беради. Корхонада 70 нафар иш ўрни ташкил этилган. Улар-

нинг кўпчилигини маҳаллий ёшлар ташкил этади.

СУРАТЛАРДА: цехларнинг умумий кўриниши; тикувчилар Шаҳноза Каримова ва Хуршида Эрматовалар иш устида; корхона бosh муҳандиси Ан Ин Енг уста Нурали Киминбоев билан суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

## Сайлов яқин ВАКОЛАТ МАСЪУЛИЯТИ

Демократик тамойиллар ҳаётимизга дадил кириб бормоқда. Кейинги йилларда республикамизда ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш, давлат ҳокимиёти идораларининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказилаётганлиги, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш сингари муҳим вазифаларни ана шу органлар зиммасига юклатилганлиги, уларнинг ривожига, ваколатларини кенгайтиришга қаратилган Президент фармонлари бунга яққол мисолдир.

Энг муҳими ўзини ўзи бошқариш органларининг раислари ва уларнинг маслаҳатчилари мана иккинчи марта демократик сайловлар асосида сайланмоқда.

Шу йилнинг 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида» сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида қўйи бошқарув органларига иккинчи марта сайловлар бўлиб ўтади.

Ҳўш, улар қандай ўтиши керак? Умуман, бу сайловларни ташкил этишдан мақсад нима? Бу сайловларни ўтказишда ҳокимликлар, маҳаллий идоралар ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг роли қандай бўлиши зарур?

Кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йилгилишда ана шу масалалар кенг муҳокама этилди ва вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларни ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан намунали ташкил этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Йилгилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йилгилишда вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишчи вилоят комиссияси аъзолари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, ҳокимликлар, ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбарлари ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Йилгилишда вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди. Илгилари вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди. Илгилари вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

тин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Ҳўжаева жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилаётган сайловлар, унинг аҳамияти, бу борада маҳаллий ҳокимликлар ва комиссия аъзолари амалга ошириши лозим бўлган вазифалар тўғрисида ахборот беришди.

Йилгилишда «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Мурод Мирзаев, вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Юнус Шарипов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йилгилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига доир тақлифларни ўрганиш ва умумлаштириш, сайловларда фуқароларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш, сайловни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар ва ҳужжатларни қўллаш юзасидан тегишли фикрлар билдирилди ва маслаҳатлар берилди.

Йилгилишда алоҳида таъкидланган бир масалани алоҳида эслатиб ўтиш зарур. Бу ваколат масъулияти масаласидир. Демак, эндиликда фуқаролар йилгилари раислигига ва уларнинг маслаҳатчиларига ташкилотчилик қобилиятига, халқ орасида обрў-эътиборга эришган, янги демократик кадрларни ўзлаштирган, фуқаролар ташаббусларини қўллаш қувватлаш ва уларни амалга ошириш қобилиятига эга бўлган кадрларни танлаш ва қўйиш вақти етди. Ана шундангина жамиятимизга дадил кириб бораётган демократик тамойиллар ва аъёнлар янада чуқурлашади.

## ҲАМКОРЛИК ДЎСТЛИК ДЕМАКДИР

Унинг таркибига 43 туман, бир нечта шаҳар ва уездлар кирди. Чунинда машинасозлик, кимё ва металлургия ҳамда қайта ишлаш санаети юксак даражада ривожланган.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк автомобиллари, мотоцикллар, шунингдек, озиқ-овқат, тўқимачилик, электрон ва ҳурилий материаллари санаети маҳсулотлари тобора кўпроқ жаҳон бозорига кириб бормоқда. Етатиқ чет эл фирмалари билан ҳамкорлик авж олмақда.

Қиладилар. Шаҳарнинг 20та мамлакатда мустақил ваколатхоналари бор. Франциянинг Тулуза, Американинг Сизтл, Канаданинг Торонто, Япониянинг Хиросима, Буюк Брита-

иқтисодиёти жуда катта истикболга эга.

Бу ерда қазилма бойликлар қадар кўпроқ таъминлаш учун имкониятлар етарли. Чунинки, бу Тошкент вилояти тадбиркорлари, хўжаликлар, қорхона ва ташкилотларнинг вакиллари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда ана шулар ҳақида

кимматбах охм ашё етказиб бериш, аҳолини турли-туман озиқ-овқатлар билан мумкин қадар кўпроқ таъминлаш учун имкониятлар етарли.

Учрашув ниҳоятда кизиқarli ва амалий тақлифларга бой бўлди. Хусусан, Паркент тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Ориф Примовнинг: — Бизнинг туманимизда чорвачилик, бодгорчилик ва узумчилик ривожланган. Ҳозирги пайтда палатамиз ишбилармонлари томонидан ойига ўрта ҳисобда минг донга мол терисидан, 3 миң донга қўй ва эчки терисидан тайёр чарм тайёрланапти. Улардан эркаклар курткалари тикилмоқда. Аммо поабазал ишлаб чиқарувчи қорхона йўқ.

Шундай қорхона очилса, ишлаб чиқарувчиларга ҳам, аҳолига ҳам жуда яхши бўларди. Бундан ташқари мева, узум шарбатлари, вино тайёрлашни кенг йўлга қўйиш учун имкониятлар катта, — деган сўзлари хитойликларни қизиқтириб қолди. Улар туманга чиқиб, шароитни кўриш, маъқул келса, қўшма қорхоналар ташкил этишга ақдлашиб олинди. Умуман туңтунлик ишбилармонлар фўрт кун мобайнида вилоятимизнинг қатор туманларига чиқишиб, санает қорхоналари ҳамда хўжаликларда бўладилар. Ҳамкасблари билан учрашадилар. Хитойда ва Тошкент вилоятида ўзаро манфаатдорлик асосида қўшма қорхоналар тузиш истиқболларини ҳал этадилар.

### Вилоят ҳокимлигида

нианинг Лайст, Россиянинг Воронеж шаҳарлари билан биродарлик алоқалари ўрнатилган. Мана энди Чунцин шаҳри вакиллари Тошкент вилояти билан яқиндан савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш учун вилоятимизга ташриф буюрдилар. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, вилоят

Аксс-садо

### ЭЛДАН АЙРИЛГАН УЗОҚҚА БОРМАГАН

**ЧИНДАН** ҳам турмуш тарзимизда кейинги пайтларда урф-одатларимиз, анъана ва удумларимизга тўғри келмайдиган иллатлар пайдо бўлди. Тўй-ҳашамларда харажатлар сарфи ошди, исрофгарчиликларнинг кўпайишига йўл кўйилди. Айниқса, марҳумларга бағишланган маъракаларни дабдабозлик билан тантанали тарзда ўтказишга бориб қолганлиги жуда ачинарли ҳолатдир.

Албатта, бундай тадбирлар оддий одамлар томонидан эмас, кўпроқ масъул лавозимдаги кишилар ўз мансабларидан фойдаланиб, ваколатларини суистеъмол қилган ҳолда босар-тусарини билмай, атрофдагиларни назар-писанд қилмай, менсимай, ўзларини ҳар нарсага қодир зотдек ҳис қилганларнинг «ташаббуси» билан ўтказила бошлаган эди. Миллий қадриятларини топтаган, ўзини эл-улусдан устун кўйганлар ҳеч қачон узоққа борган эмас. Ўртабозимизнинг бу борадаги фармони аниқ мудоао бўлди. Айтш мумкинки, кадр-қимматнинг эъзозланиши йўлидаги харажат-бу.

Биз — кишлоқ аҳолисини қувонтирадиган томон шундаки, ҳар бир деҳқон ҳалол меҳнат билан кун кўради, пешона теран эвазига ишлаб топилган моддий бойликларини яхши кунларга авайлаб сарфлайди. Ҳозирги кунда ҳудудимизда 5547 нафар аҳоли истиколат қилади. Уларнинг тўй-маъракаларини ўтказишда доим бош-қош бўлиб тураемиз. Тадбирларни ихчам, мазмунли бўлишига аҳамият берамиз. Айниқса, Шермат ака Собиров бошчилик қилаётган «Дегантепа» маҳалласи аъзолари савобли ишларни кенгайтириб боришяпти. Қишлоқда ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб воғга етишлари учун шароитлар яратилди. Ҳашар йўли билан янги ўйингоҳ қурилди. Ташландиқ шийпон ўрнида эса 73-тўлиқсиз ўрта мактаб биносини барпо этдик. 300 метрлик қишлоқ йўлига асфальт ётқизилди. Шунингдек, аҳоли ўрта-сидда кадрятларни тиклашга қаратилган тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, оила мустақамлигига саъй-харажат қилиш. Масалан, ҳар хил етишмовчиликлар туфайли бўзилган кетишга қаратилган тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Бундан ташқари, кенгашимиз оқсоқоллари ҳамда ибратли оилаларнинг панд-насиҳатлари ижобий самара берилмоқда. Тўйлар, маъракалар кўнгилдагидай бўлди. Шунини қувонарликки, ҳудуддаги 6 та маҳалланинг барчаси ҳам тарбиявий-маърифий тадбирларда фаол қатнашмоқда.

Тўйлар ҳақида яна тўхталиб шунини айтиш керакки, уларни тартибли ўтказишда «Маҳалла» жамоасини фаолларнинг муҳофазатисига алоҳида аҳамият қасб этди. Президент Фармонидан таъкидланганидек, айрим манманликка берилган ҳавоий мансабдорлар, пулдорлар тўй ва маъракаларни ўтказган дабдабали равишда ўтказиш ота-боболаримиздан қолган миллий расм-рўсулларимизга пўтур етказмақдирлар. Шу боис, ҳар биримиз бундай иллатларга чек қўйиш учун ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

**Рустам АҲМЕДОВ,**  
Ўртачирчиқ туманидаги «Янги турмуш» ўзини ўзи бошқарув қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси.

Конституция — бу ҳар бир мустақил давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан тузилишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва эркинликлари даражасини кўрсатувчи бош қомусдир. Унинг қанчалар демократик эканлигига қараб давлатга баҳо берилди. Шу жиҳатдан олганда Республикаимизнинг биринчи мустақил Конституцияси дунёдаги энг илгор, демократик, ўз халқининг асосий манфаатларини ифодалаган Конституция сифатида алоҳида эътиборга лойиқ. Шунинг учун ҳам Конституциямиз қабул қилинган кун — 1992 йилнинг 8 декабри халқимизнинг асосий байрами кунларидан бири сифатида нишонланади.

Маълумки, Республикаимизнинг ўз Конституцияси қабул қилинганлигига қадар ҳам Ўзбекистон Конституциялари бўлган эди. Лекин улар амалда бизнинг инсон сифатидаги ҳақ-ҳуқуқларимизга тушов бўлиб келди. Масалан, 1978 йилда қабул қилинган Конституцияни олиб қўрайлик. У фуқароларимизнинг асосий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш у ёқда турсин, шахс билан давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар халқроқ ҳуқуқ талаблари ва меъёрига, жаҳон Конституциявий амалиётида эътироф этилган ва асосий қонунда кўйилмайдиган талабларга ҳам мос келмасди. Бу Конституция ўта мафкуравийлаштирилган бўлиб, сиёсий чакирик ва баландлароз иборалар билан тўлиб тошган ва ўта синфиликка асосланган эди. Шу боис қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда миллий урф-одатларга, анъаналарга умуман эътибор берилмасди.

Тўғриси, қонунлар номмагина қабул қилинар, аслида эса ҳаммаси марказнинг кўрсатмасига асосан ҳал бўларди. Ана шунларнинг ҳаммаси бундай пойдевори пуч давлатнинг инкисози борган сари яқинлаша бошлашига сабаб бўлди. Оқибатда зўрликка қурилган империя таркибидан бўлган Республикалар мустақил давлат бўлиб ўз тараққиёт йўлини бошлади. Биринчилардан бўлиб ўзининг мустақиллигини ва тараққиёт йўлини белгилаб олган Ўзбекистон 1992 йилда ана шу мустақилликнинг ҳуқуқий пойдеворини қўйди. 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат Асосий қонуни — Конституциясини қабул қилди. Унинг асосий мантиқий йўналиши энг аввало инсоннинг қадр-қиммати ўрнига қўйилганлиги, сўнгра эса жамият ва давлатга доир қоидалар ифодаланганлиги билан белгиланади.

Маълумки, давлатимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўли Конституциямизга асосланган. Ундаги қоидаларда ифодаланган сиёсатимиз, мақсадимиз, хоҳиш-иродамиз ўз миллий давлатчилигимизни ривожлантириш, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни камолот чўққиларига олиб чиқиш, дунёдаги илгор давлатлар қаторидан ўрин олишга қаратилган. Конституциямизнинг ҳар бир моддасида жамият тараққиёти, инсон манфаатларига хизмат қилувчи ва уларга қонун ҳуқуқ берувчи имкониятлар, имтиёзлар берилганки, бу тўғрисида кўп гапириш мумкин. Энг муҳими, бу

### Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллиги олдидан

Конституция мустақил Ўзбекистонда ана шу мақсадларда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мисол сифатида Конституциямизнинг 53-моддасига эътиборни қаратайлик. Унда шундай сатрлар бор: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунилигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», деб кўрсатилган.

Тайёр маҳсулотлар, товарлар, хомашёлар яратиши, фуқароларга ва ташкилотларга турли хилдаги хизматлар кўрсатиши мумкин. Конституциямизнинг ана шу моддасида тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги ҳам кафолатланган.

Уш, тадбиркорлик нима? Меҳнат қилиш эркинлиги нима? Маълумки, Конституциямизда белгиланганидек, ҳар бир фуқаро тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳақли. Конституциямизнинг ана шу қоидадини ҳаётга реал тадбиқ этиш, унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан Республикаимизнинг алоҳида Қонуни — «Тадбиркорлик тўғрисида» қонун (1993 йил 7 майда) қабул қилинди. Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиб фойда ва даромадлар олишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишдир.

Тадбиркорлик — мулкдорнинг ўз мулки ҳисобидан, бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек, чет эл фуқаролари ва юридик шахсларнинг мулкларини жалб этиш асосида; тадбиркор томонидан давлат мулкни ва жамоат бирлашмалари мулкидан фойдаланиш асосида амалга оширилиши мумкин.

Конституциямизнинг ана шу 53-моддасида яна хусусий мулк бошқа шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин деб белгиланган.

Демак, ҳар бир фуқаро хусусий мулк эгаси бўлиши, ўз мулкдан қонунда белгиланган доирада фойдаланиши мумкин. Хусусий мулкнинг мавжуд бўлиши эса бу бозор муносабатларининг янада ривожланишига олиб келади.

Хусусий мулкчиликни раванқ топтириш ва мулкка бўлган муносабатни қайта шакллантиришда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу муносабатни Республикаимизнинг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб мустақамлаб берди.

Биз юқорида Конституциямизнинг битта моддаси тўғрисида фикр юритдик. Ана шу биргина моддада жамият ривож, фуқаролар эркинлиги, уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган қатор ҳуқуқлар ва имкониятлар берилган. Демократизми, Ўзбекистоннинг Асосий Қомуни — Конституцияси республикамизда адолатли, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда. Бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлида фуқароларимизнинг фаоллигини ошириш ва уларга янги-янги имкониятлар, ҳақ-ҳуқуқлар берди ва бермоқда.

**Бобоқул ИБРАТОВ,**  
юридик фанлари доктори.

## ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

Республикамиз иқтисодиёти негизини ташкил этадиган мулклар Ўзбекистон Республикаси мулкчилик тўғрисидаги Қонуни (1993 йил 7 майнинг 5-моддасида: хусусий мулк, ширкат (жамоа) мулки, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкдан (коммунал мулкдан) иборат давлат мулки, аралаш мулк, бошқа давлатлар ҳамда халқроқ ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки каби шакллardan иборат эканлиги белгиланган.

Конституциямизнинг ана шу моддасида яна давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунилигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди, — деб белгиланган. Шунга мувофиқ кейинчалик истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Истеъмолчилар қимлар? Энг аввало бу ҳақда тўхталиб ўтадиган бўлсак — истеъмолчи бу бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарилган турли-туман маҳсулотлардан, товарлардан фойдаланиб, ўз эhtiёжини таъминловчи шахслардир. Уларнинг ҳуқуқий устунилиги шунга кўрсатдики, энди ҳар бир истеъмолчи шахс тўғри келган ва мажбурий тартибда юборилган ёки ўзига ажратилган товарни, маҳсулотни сифатсиз бўлса ҳам олиб кетмайди, балки унинг ўз хоҳишига кўра танлаб, сифатлисини ажратиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан эркин иқтисодий муносабатда бўлиш каби ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади. Шу туфайли, ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, товарнинг сифатли бўлиши, уни жаҳон талаблари даражасига етказиш учун интилиш, бозор-гир товарлар билан жаҳон бозорига чиқиб, ўз ўрнимизга эга бўлиш учун курашмоқдамиз. Бу Республикаимизда эркин иқтисодий фаолиятга кенг йўл очиб берди. Энди ҳар бир фуқаро эркин фаолият билан шуғулланиб

### ТАДБИРКОРЛАР, КЎРИНГ, ЎРГАНИНГ


Кичик ва хусусий бизнесни, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш мақсадларида акалга оширилган ва тобора чўқурлашиб бораётган иқтисодий ислохотларнинг бош бўгини ҳисобланади. Республика раҳбарлиги бундай тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришга доимо катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда Ўзбекистонда қанчалар истеъмол ва озиқ-овқат моллари кўргазмалари ташкил этилмоқда. Кунин кеча шундай кўргазманинг навбатдаги туртинчиси очилди. Уни Америка Қўшма Штатларининг «ТНТ» компанияси ташкил этди, республика Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳам яқиндан ёрдам берди.

Кўргазманинг очилишига бағишланган матбуот конференциясида нутқ сўзлаган компаниянинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича вакили Александр Хмельничий навбатдаги кўргазма Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтиришга ёрдам бериши билан эътиборга лойиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Унда истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг энг яхши намуналари намойиш қилинади, озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган турли асбоб-ускуна ва машина-механизмлар ҳам кўйилган.


Кўргазмада йигирмага яқин мамлакатдан кўришга лойиқ компаниялар қатнашмоқда. Улар кўргазмада ишроқ этиш билан ўзларининг амалий имкониятлари ва истиқбол режаларини, Ўзбекистон бозорига узоқ мuddат давомида самарали ишлашга азму-қарор қилганликларини намойиш этадилар. Бу ерга таширғ буюрган тадбиркорлар бевосита компаниялар вакиллари билан очик мулоқотда бўладилар ҳамда биргаликда бизнес қилиш имкониятларини бафуржа муҳокама қиладилар.

Навбатдаги кўргазманинг узига хос яна бир хусусияти шундаки, унда узоқ хоржий мамлакатлар катори Марказий Осиё республикалари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистоннинг қатор компания ва фирмалари ҳам озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари саноатнинг шу тармоғида фойдаланишга мўжжалланган технологиялик линиялар, асбоб-ускуналарини намойиш қиладилар. Туртинчи халқроқ истеъмол ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар кўргазмаси жорий йилнинг 10-13 ноябрь кунлари давомида ишлайди.

**Ҳамид МАҲМУДОВ.**



**ТОШКЕНТ** туманидаги «Тошкент» ҳиссадорлик жамиятининг музқаймоқ цехида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан тез орада кўпчилик эътиборига тушиди. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳар ойда тайёрланаётган 2 тонна ширинликнинг 80 фоизини туман аҳолиси суйиб харид қияпти.



**СУРАТЛАРДА:** илғор ишчи Қурбон Умрзоқов (чапда) музқаймоқ масаллигини тайёрламоқда; цех бошлиғи Авазбек Мирсоатов ишчи Зулайҳо Ҳошимова билан (ўртада) маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; қадоқловчи Мухаррам Зайнуддинова иш устида.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

## МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**БУ КОРХОНА** жамоаси ишлаб чиқариётган сут ва сут маҳсулотлари кўпдан-кўп миқозларга етказиб берилмоқда. Уни шахардаги қараганда яхшилади. Жорий йилнинг тўққиз ойида қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилнинг шу давридагидан ўттиз фоиз ортди. Янги маҳсулотнинг улғурлиги нархларда сотилиши 50 фоиздан зиёд бўлади. Айниқса, тансиқ маҳсулотлар — юмшоқ ва дудланган пишлоқ ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришилди. Бундай маҳсулотлар савдо шох-бочалари ва бюортмачиларга ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан даярли икки баравар ошиқ етказиб берилди.

Корхонанинг ўз савдо шох-бочалари ҳам борлиги аниқ мудоао бўлмоқда. Улар шахарнинг одамлар эшиқ етказиб берилди. Корхонанинг ўз савдо шох-бочалари ҳам борлиги аниқ мудоао бўлмоқда. Улар шахарнинг одамлар эшиқ етказиб берилди. Корхонанинг ўз савдо шох-бочалари ҳам борлиги аниқ мудоао бўлмоқда. Улар шахарнинг одамлар эшиқ етказиб берилди.

барча асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари ўтган йилдагига қараганда яхшиланди. Жорий йилнинг тўққиз ойида қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилнинг шу давридагидан ўттиз фоиз ортди. Янги маҳсулотнинг улғурлиги нархларда сотилиши 50 фоиздан зиёд бўлади. Айниқса, тансиқ маҳсулотлар — юмшоқ ва дудланган пишлоқ ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришилди. Бундай маҳсулотлар савдо шох-бочалари ва бюортмачиларга ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан даярли икки баравар ошиқ етказиб берилди.

Корхонанинг ўз савдо шох-бочалари ҳам борлиги аниқ мудоао бўлмоқда. Улар шахарнинг одамлар эшиқ етказиб берилди. Корхонанинг ўз савдо шох-бочалари ҳам борлиги аниқ мудоао бўлмоқда. Улар шахарнинг одамлар эшиқ етказиб берилди.

### Ислохот оидмлари

сўт маҳсулотлари етказиб берилаяпти. Маҳсулотлар сифати харидорғир бўлаётганлиги учун ҳам ётиб қолмаяпти, савдо ҳажми эса йил сайин ортиб бормоқда. Кейинги бир йилда бу кўрсаткич икки ярим бараварга яқин ошди.

Утган йили корхона жамоаси тўла риюа қилиш самарасидир. Корхонада ҳозирги вақтдаги катта қийинчиликларга қарамай молиявий барқарорлик таъминланмоқда. У тармоқда давлатдан кредит олмай ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаётган ягона корхонадир. Энг муҳими заводнинг кредиторлик ва дебиторлик қарзлари ҳам йўқ.

Ишчи-хизматчилар тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, янгиларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўлида ҳам тинмай изланиш олиб боришяпти. Сут хом ашёси нисбатан камчиёл бўлганлиги сабабли завод учун ноанъанавий маҳсулотларини ҳам ўзлаштириш имкониятлари қидирилмоқда. Шу йўл билан қуолтирилган сут, сабзавот ва мевалар пасталари тайёрлаб қурилди. Натижа дуруст бўлди. Агар бюортмалар бўлса жамоа сабзи,

шафтоли ва бошқа шу каби сабзавот-мевалардан юқоридеги тилга олинган шифобахш маҳсулотларни бемалол тайёрлаб бераолади. Корхонада янги ишлаб чиқаришлар ҳам барпо этилмоқда. Ердამчи ҳўжалик бир неча йилдан бери жамоа аъзолари дастурхонини турли ноз-неъматлар билан бойитмоқда. Новвойхона ишлаб турибди. Унда ёпилаётган нон ва булочкалар мактабларга ҳам етказиб берилмоқда. Заводнинг байналмилал жамоаси ҳўжалик йилини янада яхши натижалар билан яқунлаш учун кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда. Бунда Пскеўт пишлоқ тайёрлаш цехи жамоаси, аппаратчилардан М. Турсунқулова, С. Тошев, сазловчи-чилангар У. Хайдаров, компрессорчи Г. Раҳимовлар пешқадамлик қилишяпти.

**Собир МАҲМУДОВ.**

### ЙИГИЛИШЛАРДА МАЪҚУЛЛАНДИ

ҚИБРАЙ, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманлари ҳокимликларидега Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг 1998 йил 28 октябрдаги тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда шўхратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган Фармонининг муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, имом хатиблар, ички ишлар, прокурорлик ва ЗАГС ходимлари сўзга чиқиб, Фармоннинг долзарб аҳамиятга эга эканлиги ва ўз вақтида чиққанлиги, унга амал қилиш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи эканлигини таъкидлашди.

**Муроғ МИРЗАЕВ,**  
вилоят «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси.

### ТАЖРИБА-НАМУНА ДАРСЛИГИ

ЮРТИМИЗДА кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ мукамал дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этишга киришилди. Яқинда босмадан чиққан «Ўзбек тили» дарслиги ҳам шу йўналишдаги ишлардан биридир. Уқиллар рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-синф ўқувчиларига мулкланган бу китоб тажриба-намуна дарслик сифатида тайёрланди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги кўрсатмасига биноан «Ўзбек тили» дарслиғи Тошкент шаҳри ҳамда пойтахт, вилояти мактабларидега тажрибадан ўтказилди. Узини тўла оқлаган, деб ҳисобланган, у кўп нусхада чоп этилиб, омалаштирилди.

**Ақбар АЛИЕВ.**

# БИРИНГ ИККИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАСАНГ, ТЕХНИКАГА ТАЯН

БУНДАН бир неча йиллар аввал пахта йиғим-терими кизиган палларда вилоят далаларида 2500-2700тагача «зангори кема»лар ишлаганлигини кўчилик яхши билди. Ана шунда кунига режанинг 5-6 фоизи миқдорда пахта тайёрланган. Машиналар шарофати билан йиллик режа қисқа вақтда бажариларди. Энг асосийси тайёрланган пахта танархичи анча арзон бўларди.

Кунча Пскент туманидаги «Пскент» ташкилот бошқаруви хўжалиги (санацияга тушган)нинг Нобё Умаров бошлиқ бригадасида бўлганимизда ҳаёлимдан юқоридаги фикрлар кенди. Катта йул ёқасидаги каттагина пайкалда деярли пахта кўринмади. Ғузлар жигаранг тусда шовдираб ётибди. Аммо, далада теримчилар анчагина.

Буларни кўриб хайратланган бўлсангиз керак, — деди бригадир ажабланиб турганимизни сезиб, — Бу пайкалдан икки марта машина ўтган. Шунинг учун ҳам ғуза тулариди ҳосил қолмаган. Аммо ерга тўқилганлари бор. Уларни ҳаво очик пайта териб олмасак, ёмғир ёниб қолгудек бўлса, тупроққа қоришиб кетиши мумкин. Унда исрофгарчилик юз беради. Ноннинг ўзи ҳам, нон, ушоғи ҳам нон, дейдилар-ку! Шундай экан, йил бўйи меҳнат қилиб етиштирган ҳосилимизнинг бирор миқдорини увол қилмаслигимиз керак.

Бригада пахтакорлари бу йил 98 гектар ерда деҳқончилик қилишибди. Унинг ҳар бир гектаридан қариб 28 центнердан ҳосил териб олиб, давлатга шу кунгача 280 тоннадан зиёд пахта топширишибди.

Қувончи томони шундаки, ана шу ҳосилининг 200 тоннаси машиналар ёрдамида терилган. Энди ҳисоблаб кўрайлик: қўлда терилган пахтанинг ҳар бир килограммига 5 сўмдан ҳақ тўланган. Яъни теримчилар 80 тонна учун 400

## дейди режадаги пахтанинг 80 фоиздан ортигини машинада териб олган илгор бригада бошлиғи Нобё Умаров

минг сўм пул олишган. Машинада терилган ҳар бир тонна учун ўртача 150 сўмдан, жамми бор-йўғи 30 минг сўм тўланади.

Мана сизга машина теримининг фойдаси! Агар топирилган ҳамма пахта қўлда терилганда борми, нақ 1 миллион 400 минг сўм ҳаражат қилинган бўларди. Бригада заршунослари эса, техникага таяниб, катта маблағни тежаб қолишди. Наҳаққа етиштирилган «оқ олтин» танархичи арзонлашди. Бу даромад ва фойданинг кўпайишига ижобий таъсир этиши аниқ.

Пахтачиликда машина терими салмоғини оширишнинг ўзи бўлмайди, — дейди сўзини давом эттириб Нобё Умаров, — аввало чигит экишдан олдин машина терими учун мўлжалланган пайкаллари белгилаб қўйиш, кўчат сонини ҳам шунга қараб рисоладагидек бўлишига эришиш керак. Мухими экинни машинабоп қилиб ўстириш, ғуза дефолиациясини сифатли қилиб бажариш, пайкаллар бегона ўтлардан холи бўлишига аҳамият бериш лозим.

Энг асосийси терим агрегатларини пухта тайёрлаш, «зангори кема»ларни факат тажрибали, малакаси юқори бўлган механизаторларга топшириш мумкин аҳамиятга эга. Биз шундай қилдик. Моҳир механизаторлардан Ҳусан Эрнарзоров билан Уткир Бекмуратов ўз машиналарини ғузасининг барги батамом тўқилган, кўсақлари 75-80 фоиз очилган, бегона ўт тугатилган пайкалларда унумли ишлаб, қисқа вақтда 200 тонна пахтани териб бердилар.

Ҳозир бригада далаларида қўл терими уюшқоқлик билан давом этмоқда. Ваъдасига вафодорлар ҳосилдорлиқни 30 центнерга, яъни хирмони эса 300 тоннага етказиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилишапти.

«Пскент» жамоа хўжалиги пахта тайёрлашда туман хўжаликлари ичиди илгорлар

қаторида бормоқда. Бир неча йиллардан бери режани бажаролмай қарзга ботган хўжалик аъзолари барча имкониятларни ишга солиб, ҳосилдорлиқни кўтариш, танархичи арзонлаштириш ҳисобига қарзлардан қутилиб, юзлари ёруғ бўлиш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Юқорида номини тилга олинган бригаданинг муваффақиятлари бунга мисолдир.

Умуман, бу йил Пскент туманида пахтадан мўл ҳосил етиштирилган. Ким билан сўзлашсангиз, буни тасдиқлайди.

**Каримжон РИХСИЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»  
махсус муҳбири.



**СУРАТЛАРДА:** бригада бошлиғи Нобё Умаров ва илгор теримиçi Назира Файзиева (ўнгда), Ҳусниддин Муҳаммадҷонов билан Доно Холматоваларнинг ҳар бири ҳозиргача 5 тоннадан ошириб «оқ олтин» теришиди. Умуман АҲМЕДОВ олган суратлар.

## БУЛАР ҲАМ МАРРАГА ЕТДИЛАР

● ОҚЎРҒОН. Эсингизда бўлса яқинда газетамизда «Янгича яшаб, янгича ишлаётганлар» сарлавхали мақола берилиб, унда тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонларининг деҳқончилик, йиғим-теримни ташкил этишдаги тажрибалари ҳақида хикоя қилинган эди. Ана шу илгор тажриба туфайли ўзбекистонликлар ҳам маррага етиб келдилар. 896 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан, жами 2250 тонна хирмон кўтарилиб, режа муваффақиятли бажарилди.

Абдулла Эргашев, Савлат Абдураимов, Уткир Тўраҳўжаев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 30-32 центнерга етди.

● ЯНГИЙЎЛ. Бор ҳосилни йиғиб-териб олишни намунали ташкил этган Назарали Ниёзов номли жамоа хўжалиги деҳқонларининг ҳам юзлари ёруғ бўлди. Улар уйган хирмон 1300 тоннадан ортиб кетди.

Ҳосилдорлиқни 26 центнерга етказган Назарали Ниёзовликлар яна 50 тонна ҳосил топириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

● ЧИНОЗ. Тумандан яна бир хушxabар олдик. «Гулзоробод» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам режани бажарганиликларини маълум қилдилар. 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ошириб ҳосил топирилди.

Туманда маррага яқинлашган хўжалиқлар сони кўпайиб бормоқда.

## Пахта — 98

● УРТАЧИРЧИК туманида яна икки хўжалик — «Гулистон» ва «Ҳақиқат йули» очик турдаги акциядорлик жамиятлари пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш режаси бажарилганлиги ҳақида хабар бердилар.

Гулистонликлар мавжуд 637 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнерга яқин ҳосил олишиб, яъни хирмон салмоғини 1865 тоннага етказишди.

Алижон Умаров, Уроз Ажибеков, Хайридин Отаев каби уста пахтакорлар етакчилигидаги ширкатларда ҳосилдорлик 40 центнердан ошди.

● ПСКЕНТ туманидаги Ислиддин Хайдаров номли жамоа хўжалиги заршунослари йиллик режани адо этдилар. 1030 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 2736 тонна пахта етказиб берилди.

Усонкул Ошимов ва Зукор Исаевлар бош бўлган бригадаларда ҳосилдорлик гектарига 33-38 центнерни ташкил этди. Илгор механизаторлардан Турдимат Кўчқоров билан Муҳиддин Ҳамдамовларнинг ҳар бири 65-85 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

## Илгор пахтакорлар даласида ТАЖРИБАЛАРИ ҚЎЛ КЕЛДИ ЁРДАМЧИНИНГ ХОЛИС ЁРДАМИ

ЎЗИНИНГ кўп йиллик тажрибаси ва маҳоратини ишга солган деҳқон ҳар қандай шароитда ҳам мўлжалдаги ҳосилни олади. Чиноз туманидаги «Йул тушган» жамоа хўжалиги деҳқон-фермери Жўра Очиловнинг ишлари бунга мисолдир.

Умр бўйи пахтачилик билан шуғулланиб, элга танилган Жўра ака нафақага чиққандан сўнг ҳам тинчимади. Фермер бўлишни ихтиёр қилди ва деҳқончиликда ёшларга ибрат кўрсата бошлади. Бу йил ҳам 3,5 гектар майдонга экилган пахтадан юқори ҳосил етиштирди. Ҳар гектаридан салкам 43 центнердан пахта топширди.

— Ҳалқимизда ғуза кун санайди, деҳқон эса кўчат, деган гап юради. Бу тўғри. Биз ҳам кўчат санаймиз-у, бироқ асосий диққат эътиборни бу кўчатларда ҳосил бўладиган кўсақларнинг салмоғи, сифати ҳақида кўпроқ қайғураемиз. Парварши жараёнида барча ишларни шу мақсадга мослаб олиб бораемиз. Хирмонимизнинг баракаси шундан бўлса керак, — дейди Жўра ака.

ЧИНОЗ туманида ёрдамчи хўжалиқлар кўп. «Янгибод» шулардан бири. Бу жамоа аъзолари умумий хирмонга баҳолиқудрат ҳисса қўшиб мақсадида 190 гектар майдонга пахта экидилар. Бирок, қир-адирларда чигит ундириш, уни парвариш қилиб ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмади, албатта. Бу ишга энг малакали ва тажрибали деҳқонлар жалб этилганлиги учун натижа яхши бўлди. Ҳозиргача қир-адирлардан 320 тонна пахта топширилиб, режа 105 фоизга яқин бажарилди.

«Олмазор» жамоа хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. Бирок, боғбонлар пахтакорларга кўмаклашиш мақсадида 71 гектар ерда ғуза ўстирдилар. Рисоладагидек парваришлаб, ҳосил етиштирилди ва уни қисқа муддатда йиғиб-териб топириб, режаларини 120 фоиздан ошириб бажардилар. Ёрдамчиларнинг ҳолиси ёрдамчилар пахтакорлар миннатдор бўлмоқдалар.

**О. МАЪМУРОВ.**

# ОДАМ ҲАҚАТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

## Ўзбекистон ва жаҳон МУМТОЗЛАР МАМЛАКАТНИ МАШҲУР АЙЛАГАЙ

**АСРЛАР солиномасида унут бўлмади номлар, саналар, воқеалар, анжуманлар бўладик, улар замонлар оша тарих зарварларида ўчмас из қолдилади. 1945 йилнинг 16 ноябрда таваллуд топган «ЮНЕСКО» деган калима ҳам йиллар оша қомусий мазмун ва маъно кашф этди. Мана, деярли эллик уч йилдирки, мазкур халқаро идора Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг нуфузли мақамаси сифатида жаҳон бўйича дунёвий таълим, фан, маданият, маърифат, маънавийт жаҳаларини тараққий эттириш хазинасига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.**

Ана шу ўтган давр мобайнида ушбу ташкилотнинг қанчадан-қанча йилликлари, мажлислари, тадбирлари бўлиб ўтди. Турли қитъалар, мамлакатлар, минтакалар бу ташкилот маросимларини бажонудил қабул қилди. Чунки, бундай шарофат ўша давлатнинг, миллатнинг, халқнинг обрў-эътиборини, салоҳиятини, иқтидорини тан олишнинг ўзига ҳос меъзони деб қаралди.

Ана шундай иззат-икром бу сафар бизнинг Ўзбекистонимизга насиб этди. Бу воқеа республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг саяҳатлари ва шарофати ила амалга оширилди. Ўтган ҳафта охирида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши Тош-

анжуман давомида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовга мазкур ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги Олтин медалининг топширилиши ҳам беқиёс тантанга айланди. Этан, давлатимиз раҳбари бу тақдирга халқаро доирада инсон идеалларини улуғлаш, маданий кадриятларни асраб-авайлаш, илмий меросни ўрганиш борасидаги улкан хизматлари учун сазовор бўлган эди. Шу боис Ф. Майор медални тақдим этар экан, шундай деди: «Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўзининг шонли ўтмишини ҳам очмоқда. Порлоқ келажакка юз тутган мамлакатда демократия тамойиллари мустаҳкамланмоқда, миллий кадриятларга эса қайта жон бағишланмоқда...»

Бу гаплар астойдил айтилган эътироф бўлди. Чунки, мустақилликка эришганига атиги етти йил бўлган мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсат ва бошқа муҳим соҳалар билан бир қаторда миллий кадриятларга ҳам катта эътибор бераётганлиги, шубҳасиз, таҳсинга лойиқ ишдир. Ана шундай ютуқларимизга тан берган анжуман катнашчилари «Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовни келгуси юз йилликнинг кишисидир дея ишонч билан таъкид-лаймиз», дедилар.

Машойихлар мумтоз катнашчиларга ўз мамлакатини жаҳонга машҳур қилади, деб беҳиж айтмаганлар. Ана шундай арбоб сифатида юртбошимиз Ислам Каримов исмини эитиб, шон-шухрати, машҳурлиги муштарам йўлбошимиз номи билан узвий боғлиқдир. Бу эътироф замон имтиҳонидан ўтган ойдан ҳақиқатга айланиб қолди.

...ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясининг якуний йиғилиши ўз ишмини муваффақиятли ниҳосига етказди. Унлаб мамлакатлардан келган хоризқлик меҳмонлар Ўзбекистондан хурсанд бўлиб, ватанларига қайтдилар.

**Раҳимберди УМАРОВ.**

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

- БУГУН Польша республикаси миллий байрами — мустақиллик тиланган кун.
- ОБРУПО Иттифоқи раҳбарияти Литва, Латвия, Словакия, Руминия, Болгария ҳамда Мальта давлатлари жорий йил охиридан бошлаб мазкур ташкилотга қабул қилиниши борасида расмий музокараларни бошлаш мумкинлигини маълум қилди.
- ОЛМОНИЯ ҳукумати яқинда мамлакатдаги атом электр станциялари фаолиятини тўхтата бошлайди. Бундай ҳаракат Олмониянинг ядро қувватидан фойдаланишни бекор қилиш дастурини амалга оширишга киришгани билан изоҳланади.
- ЧИЛИДАГИ ҳукмрон христиан-демократик партиядан сайланган бир гуруҳ сенаторлар мамлакат конституциясига ўзгариш киритишни тақлиф этдилар. Унга кўра парламент депутат ёҳуд сенатор истеъфосини қабул қилса, у ўз иштироғи билан вазирадидан озод этилиши лозим.
- ЖАНУБИЙ Корея тақси ҳайдовчилари келаси ҳафтанинг пайшанба кунини умуммамлакат бўйича иш ташлаш эълон қилиш режасини маълум қилди. Иш ташлашда жами 100 минг кишининг иштироғи кутилмоқда.
- АМЕРИКАЛИК 77 яшар Жон Глэн учган фазовий кема — «Дискайере» кунча ерга қўнди.
- КУБА ҳозирча пиёдаларга қарши милналардан фойдаланишни бекор қилмайди, деб баёнот берди мазкур мамлакат ташқи ишлар вазирилик вакили Абелардо Морено.

## ҲОРМАНГ, ЖОСУС, ИШЛАР ҚАЛАЙ?

МАЙОР Пьер Бюнельнинг омади чопмади. У НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳида Франциянинг ҳарбий ваколатхонасида хизмат қиларди. Дафътан у яқинда Парижда хибсга олинди. «Хатога йул қўймайман» деб юрган зобит бир зумда тупроққа илинганлигини пайқайди. Оммавий ахборот воситалари дарҳол ушбу воқеани оламга ёйдилар. П. Бюнель Югославия фойдасига жосуслик қилишда айбланди.

Ўтган ойда Югославия билан НАТО ўртасида қалтис вазият вужудга келганлиги ҳаммага маълум. Косово можароси кунларида, «Югославия бомбардимон қилнади-ми, йўқми» деган савол муаллақ бўлиб турганда 46 яшар майор П. Бюнель қалтис ишга қўл урган экан. Уша кезларда у Югославия томонига ҳимоят қилишга таалуқли ахборот берганлигига иқдор бўлди. 25 бетдан иборат, машинкада ёзилган «НАТО сирин» деб белги қўйилган кенг қўламли маълумотлар маҳмуасига «Хаводан берилмаган» чекланган зарбалар доирасидаги операция концепцияси» деб сарлавҳа қўйилган экан. Зобит қўлга тушгандан сўнг бу ишга яхши ният билан, қурбонлар бўлмаслигини уйлаб қўл урган эдим, деб бахона қилди.

Лекин, сўроқлар давомида унинг биринчи марта бу йўлга кирганлиги рад этилди. Апрель ойда у Боснияда хизмат қилаётиб, Гаагадаги Халқаро судга берилган Радован Каражинови ушлаш пайтида ҳам у сотқинлик қилиб, барна сирини очиб қўйган экан. Хатто, у ҳақда «Вашингтон пост» газетасида айрим маълумотлар чоп этилган ҳам эди.

Катта шов-шувга қарамай, ўртадаги шерикчилик муносабатлари раҳна туширмаслик учун НАТО қароргоҳида хозирча Пьер Бюнель масаласи хусусида лом-ним дейилмаётир. Кўринишдан ҳар иккала томон ушбу жанжални «енг учиди» босди-босди қилишмоқчи, чоғи.

## ҚОРИЖ ЛАТИФАЛАРИ

- ИККИ қўшни деразадан бир-бирига бақиряшпоти: — Хой, Смит, итингининг овозини учир, унинг увиллашдан кечим ашула айтми машинани тўхтатишга мажбур бўлди.
- Кечирасиз, қизингизнинг ўзи биринчи бўлиб бошлади-ку...
- ХАРБИЙ сержант сафда турганларга гапиряпти: — Энг муҳими, қўрқманлар, статистика бўйича парашютнинг очилмаслик ҳоли мингтадан биттага тўғри келиши мумкин. Сизлар эса бор-йўғи икки юз нафарсиз...
- УРМОН йўлидан сигирлар тўдаси ўтиб борарди. «Мерседес-600» кўқисдан тўхтади. Унинг орқасидан келган «Запорожец» ҳам тин олди. Унинг орқасидан келаятган «Мерседес» эса ўзини «жиловлаб олмади». «Запорожец»га урилди. Натияжада, у олдинги «Мерседес»ни пачоқлади ва четга отилиб, анқорга йикилди... Орқаданги машинадан қийдир хурсанд бақирди: — Гооооо!!!

**БЕВАКТ АЖАЛ**  
● РУМИНИЯНИНГ Баку туманидаги «Биршенеш» хўжалиги шоёрини яқинда ўз уйига катта юк автомашинасида 16 тонна тупроқ олиб келди. Уй соҳибни тупроқни ағдараётганда беҳосадан ёш раффикасининг устига тўкиб юборди. Мария Арама шу заҳоти жон таслим қилди. Эр эса хушидан кетиб, шифонахонага тушди. Икки нафар боланга қирқираб қолди... Бу иш юзасидан суд бўлиши кутилмоқда.

**ЙЎЛДАГИ ДОЛЛАРЛАР**  
● АМЕРИКАЛИК Шрейт Дэвисон Аризона штатининг Феникс шаҳрида истиқомат қилади. У 19


## ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА

**ГИНЕС КИТОБИГА КИРГАН «КУЁВ»**  
● ХИТОЙНИНГ Гуйчжоу вилоятида икки қария — эрхотин ўз никоҳларининг 83 йиллигини тантанали равишда нишонладилар. Уларнинг узоқ йиллик биргаликдаги намунавий ҳаёти Гинес китобига киритилажаклиги ҳақидаги гувоҳнома яқинда бобокалон билан момага топширилди. Гувоҳномада Ли Гуанхай ота билан Ван Фанчжень бувиларнинг 100 ёшдан ошганликлари, шунингдек, 140 нафардан зиёд набира-чеваралари борлиги ҳам қайд этилди.

**«МУКАДДАС» СИГИРЛАР**  
● НОРАСМИЙ маълумотларга қараганда, Хиндустон пойтахти — Дехли шаҳрида ҳар кун 40 мингдан зиёд сигирлар сайр қилиб юрар эканлар. Гап шундаки, ҳиндлар маъзабидида сигирлар муқаддас ҳайвонлар ҳисобланадилар. Ғоҳида улар йўлга ётиб олиб, автомашиналарнинг тирбанд бўлиб қолишига сабаб бўладилар. Ана шундай пайтларда «воқеа жойи»га махсус вакиллар чакрилади. Чунки, полициячи ёҳуд ҳайдовчи уларни ҳайдаса, уларнинг шаккоқлиги ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Махсус одамлар эса сигирларни мулойимлик билан мослаштирилган автоловларга чиқариб, уларни қулай жойга олиб бориб қўядилар.

**ҒОЙИБДАН КЕЛГАН БОЙЛИК**  
● ИСПАНИЯЛИК Эдуардо Сьерра хизмат тақозоси билан Швециянинг Стокгольм шаҳрига борди. Бир кун маҳаллий католик черковига Аллоҳга ситиниш учун кирди. Бўғиш хонада ҳеч ким йўқ эди. Фақат, биргина тобут турарди. Унинг ичиди қандайдир марҳум — Йенс Свенсон деган одам ётарди. Эдуардо марҳум ҳақида ҳам дуо қилиб, яратгандан уни ўз раҳматига олишни илтижо қилди. Шундан сўнг меҳмон ўз номини қайд этиладиган китобга ёзиб қўйди. Ўз юртига қайтиб калгандан сўнг Э. Сьерра узоқ Швециядан хушxabар олди. Маълум бўлишча, у мўъаййна мерос эгаси бўлибди. Чунки, марҳум кимда ким ўз ҳақида дуо қилса, унга бутун меросини беражаклиги ҳақида ва сийятнома қолдирган экан.

**ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.**



Мистик-фантастик қиссадан боблар

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Тонга яқин ҳориб-чарчаб ухлаб қолибман чоғи, бир маҳал тепамда юлдузда осмон, унинг қоқ ўрта-сида тўлини ой кўринди. Ноҳос кўни яшиндай кеси-б, думли юлдуз учиб ўтди. Негадир марҳума онамининг юз қиёфасига ўшаб кетган ой менга ачини йилгаётгандай, юзларидан дув-дуд ёш тўкаётгандай туюлди. Қутилмаганда думли юлдуз яна пайдо бўлиб, мен томонга қараб шиддат билан пастга бошладим. Унинг «юз» қиёфаси ҳам гамандухли кўринар, айни вақтда алақандай имошоралар билан менга бир нималарни уқдирмоқчи бўларди.

Мана, ниҳоят, у шундоқ рўпарамга етиб келиб, бир айланди-да, узун оқ ридо кийган, соч-соқоллари кумушдек нуруний мўсафидга айланди. Ераб, ахир, бу — раҳматлик отам-ку?! Уримдан турмоқчи бўлман, лекин ҳолим келмайдди. Отамнинг кўзларида ҳам ёш милтиллаганини кўриб, дилимга баттар гулгула тушди. Улар нимадан бунчалик хафа ўзи? Ота-онанинг безовта руҳи покларни мени нимадандир оғохлантирмоқчи бўлишар, лекин нимаданлиги фақат Парвадигорга аён эди.

Туйқисдан «отам» устимага энгашиб, елкаларимдан тортиқилай бошладим. Шу ондаёқ уйғониб, кўзларимни очдим-у, тепамда елкаларимдан ушлаб мени уйғотмоқчи бўлаётган Айрани кўрдим. — ... Тур! Тура қол энди, жоним! — дерди у ноъзия билан. — Ишга кечикаялмиз...

Оз-кўлимни ювиб, ноушта қилган, хизматга отлашиб олдидан у жиддий қиёфада менга юзланди. У гапирмасиданоқ кўз олдимида яна тухумсимон кўзга пайдо бўлиб, унинг фикрлари ёзила бошладим: «Гап бундай, жоним: мен севиб қолдим. Кўриб турибман: мен ҳам сенга ёққанам. Шундай экан, фирқамиз талабидан келиб чиққан ҳолда биз турмуш қурсак, максдага мувофиқ бўлади. Тўйдан кейин ҳайдовчиликни йиғиштирасан. Кимсан, Айра Габдуллинани эрига бундай юриш ярашмайди. Узим сени олий ўқув юртига сиртдан ўқишга жойлаб, бирор автобазга бошлиқ қилиб қўяман. Майда-чуйда гап-сўзларнинг олдини олиш учун тўйни, эҳти мол, янаги ҳафтадаёқ ўтказиб юборармиз».

У менинг фикрим билан қизиб ҳам ўтирмади. Узининг шахсида бахт куши чиндан бошимга кўнганга заррача ҳам шубҳа қилмасди чоғи. Тўғриси, ўшанда мен ҳам тахминан шундай ўйда эдим. Кўнглимни фақат бир нарса — ҳали-

гина тушимда кўрган ота-онанинг руҳи покларни нега бунча безовта бўлишаётгани хижил қилар эди, холос.

Роберт Назарович гап шу ерга келганда, ўйчан ҳолда пича сукутга толди. Рўпарамиздаги ғизиллаб мошини аста остига кириб кетаётган бетон йўлга кўз тикканча, оғир хўрсинди. Кўкда тиккага кўтарилган тўлини ой йўл четидида оқ қайинзорларни сутдек оппоқ зиё билан йўғирган, осмонга сирли, ёрқин юлдузлар бодроқ янглиғ сочиб юборилгандай эди.

— Хўш, у ўз ваъдаларининг устидан қичқими? — сўрадим мен тезроқ хижоянинг давомини эшитиш пайида.

— Бўлмасам-чи, — жавоб берди Роберт Назарович жонлини. — У ўша кунёқ Автомобилшунослик олий билимгоҳининг ректорини кузурга чорлаб, менинг сиртдан ўқишим, билимгоҳни муддатидан илгари тамомлашим юзасидан қатъий кўрсатма берди. Бир ҳафтадан сўнг тўйимиз бўлди. У фирқачиларга хос дабдаба ва ҳашам билан ўтказилди. Бир ойнаинг ичидеяқ шаҳардаги йирик автобазаларнинг бирига аввал ишлаб чиқариш-техника бўлими мудири, сўнгра бош муҳандис лавозимига ишга ўтдим.

Хуллас, мен қисқа муддат ичидеяқ дахшати аёлнинг қармоғига тўлиқ илиниб улгургандай туюлдим. Дастлабки даврларда мен Айрада ҳеч қандай алоҳида хислатни илгамадим: лўлларга ўшаб жиндек қорамгаиз, хилча бел, ёрқин тилла сочили бу гўзал аёлнинг фақат митти пучқ бурни ва ўта хиссиётчанлиги менга бир оз эриш туюларди. Боз устига, мен унинг ҳамма айтмоқчи бўлган фикрларини тухумсимон кўзга орқали аввалдан ўқиб олишим ҳам ўта хайратланарли эди.

Айра бот-бот менга ўша иссиқ-сувуқ қилинган дахлама шаробдан қуйиб берар, у ниҳоятда самарали бўлиб, ўша кезларда унга нисбатан ишқим юз чандон, минг чандон кучайиб кетар ва севилимнинг атрофида худди парвонадек гирдиқапалак бўлиб қолардим. Аёлнинг ҳулқ-атвори кўкдаги ойнаинг тўлиши билан узвий боғлиқлиги мени ҳақдан зиёд ажаблантирарди. Айниқса, унинг жинсий хиссиётлари тўлини ой дарида бениҳоя кучайиб кетар ва бу пайтларда бизнинг эрхотинлик алоқаларимиз ақл бовар қилмас даражада аж-жигачиқарди. Бу кунларда хотиним алоҳида куч-қувват қасб этиб, худди кўтургандек ўта фаоллашиб кетарди.

Ўша вақтларда Михаил Горбачевнинг «қайта қуриш» сиёсати айни авжига чиққан, бинобарин, хотинимнинг масъулияти ҳам янада ошиб кетганди. Фирқа ичкиликка қарши қатъий кураш эълон қилганига қарамай, бизнинг уйимизда бот-бот базми-

жамшидлар уюштирилиб, йирик фирқа арбоблари ёш-ёш қизлар билан меҳмон бўлишар, худди жинлар базмидагидек роса ичкиликбозликка берилиб, қарта ўйнашар, пировардида хоналарга таркаб, ишрат қилишарди. (Хотинимга беш хонали уйни бежиз олиб беришмаган экан). Бундай пайтларда мен барвақтроқ ишдан келиб қолсам, улар негадир саросимага тушиб қолишар, хотинимга очикдан-очик заҳарларини сочишар эди.

Кунларнинг бирида хотиним ҳақдан зиёд синикқан, руҳи чўккан ҳолда қайтиб келди. Кела солиб музохонадан ароқ олиб, истаконга тўлдириб қуйди-да, шартта ичиб юборди. Сўнги пайтларда унинг ишлари чаппасига кета бошлаганидан унча-мунча хабарим бор эди. Турфа-туман халқ фронтлари, фирқалар ва ёмғирдан кейинги кўзқоринлардек кўпайиб кетган сохта «демократлар» бир ёқадан бош чиқариб, хайратланарли ақдиллик билан комфиркага ҳужум бошлашган, уларнинг бўйига минг бир айб қўйиб, давлат тўнтарышига киришишган эди.

Айра шу даражада асабий эдики, қутилмаганда бармоқларидан қўм-қўк учқунлар сачради, тана-сига ймғилиб қолган қаҳар заррачаларини ерга ўтказиб юбориш учун ўша-пиша иссиқлик қувурларига ёпишди. Маълум бўлишича, охир-оқибат «демократ»ларнинг қўли биланд келиб, комфирка раҳбарларини ишоналаридан қувиб олишарди. Фирқа раҳбари бўлган хотинимнинг бошқа касби йўқ эмасми, шу-шу уйдан чиқмай бўлди. Кеча-кундуз тиним билмай «ишлаш»га ўрганганиданми, энди у ўзини кўярга жой тополмай қолди. Шу боис ҳам арзиманган нарса учун жанжал чиқариб, бутун аламинни мендан ортиб эди.

Унинг чинакам жодугарлиги айни шу кунларда намоеён бўла бошладим. Масалан у очарвоҳ (вампир)га айланар, устосмонлик ва хушвақтлик билан менинг руҳий қувватимни сўриб оладиган одат чиқарди. Айни вақтда Айра менинг тақдиримга ҳам ўз таъсирини ўтказар, аникроқ айтганда, омадиним ўғирлашга қарор қилгандай эди. Чунки ўша кезларда менинг ишларим ҳам чаппасидан кетаётган, мен раҳбарлик қилаётган автобаза захира қисмлар ва ёнилги учун қарзга ботиб, иктисодий таназзулга юз бурган эди. (Давоми келгуси сонда).

СОЛМА БОЗОРГА ЧИРОЙИНГ

Солма бозорга чиройинг, лоланинг хуштори кўп, Ул муҳаббат ерда қолгайки, анинг пулдор кўп. Мен деганлар оро тортар, мактаниб ўз қўшига, Сохта жаннат роҳатидан неча бор озори кўп. Ўзни бедор айлаганнинг нозаниндай ёри бор. Ўзга ёрнинг дарди бирлан тинчимас бозори кўп. Билмагайсан чин юракнинг

кечалар бедорлигин, Бир огиз сўз айта олмай фурқатидан зори кўп. Кимки ишқин тоза тутгай бу фалак айёмида, Поклигидан қалби гулгун, номуси кўп, ори кўп. Ори кўпнинг бахти улким, сўлмагай ҳеч гулшани, Лолалар пайҳон этилмас бўлса ҳам хумори кўп. Ўсса боғинг гулшанида шода-шода гунчалар, Билки умринг лола янглиғ юз очар баҳори кўп. Абдуғаффор УБАЙДУЛЛАЕВ, Ангрэн шаҳри.

ЙИГИТ ПОДШОҲ БЎЛАР ЎН САККИЗ ЁШДА

Қалдирғоч туйгулар тўғни бошда, Юсуфдир ҳар йигит ўн саккиз ёшда... Осмонни келади қучиб кўргиси, Лочинга айланмиш улкан орузи, Не-не саргузаштлар кечади бошда, Йигит подшоҳ бўлар ўн саккиз ёшда. Шўхликлари қайсар шамолни ҳайдар, Энг жўшқин қўшиқни шу ёшда айтар, У қайтмас аҳдидан, номардлар қайтар, Фирқалар гулхани ёнади бошда, Йигит олов бўлар ўн саккиз ёшда. Тонглар қўлларига тутқизар қалам, Ороминг ўғирлар қошлари қалам, Муҳаббатдан чекиб илк бора алам, Энг махзун газаллар яралар бошда, Йигит шоир бўлар ўн саккиз ёшда.

Сочлари тим қора, қошлари хилол, Лаблари устида майсалар беҳол, Чўлпон кўзларида лиммо-лим савол, Ҳаёл тулпорлари ўйнайди бошда, Йигит чавандоздир ўн саккиз ёшда.

Илк бўса олганда севили ёрдан, Дунёда бахтли йўқ шу бахтиёрдан, Маст бўлар сабаздан, гулдан, баҳордан, Машрабона ўйлар яшайди бошда, Йигит Мажнун бўлар ўн саккиз ёшда.

Ойнаинг эркатойи уйқусиз ўгли, Оловранг уфққа етади қўли, Ҳийбатни билмас покиза кўнгли, Мардлик барқ уради мардона бошда, Йигит тугулади ўн саккиз ёшда.

Адиба ХУДОЙНАЗАРОВА.

ИККИНЧИ ЛИГА МАЙДОН ТЕКИС, ТЎП ЮМАЛОҚ

Авал хабар қилганимиздек, Охангароннинг «Семур» футбол жамоаси саралаш ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи босқичнинг сўнги турарида Нукуснинг «Корақалпоғистон Давлат Университети» командасини ҳам 2:0 ҳисобида мағлуб этди. Шундай қилиб, улар жами 9 очко тўллаб гурӯҳ пешқадами бўлиб оlishди. Тўлар нисбати эса 13:0. Шубҳасиз, бундай қўрсаткич ишқибозлар дилида севилими «Семур»нинг биринчи табақага чиқишига умид уйғотмоқда. Шунга айтиш керакки, ҳал қилувчи иккинчи босқичда «Семур»дан ташқари Тошкент шаҳрининг «Сирғали», Қоровул-бозорнинг «Нефтчи» ҳамда Қашқадарё вилоятининг «Якка-боғ», «Шайхонтоҳур» (Тошкент) жамоалари учрашуви фоллиб кураш олиб боради. Уйинлар 12-14-16 ноябрь кунлари ўтказилади. Муҳлисларни Чирчиқ шаҳридаги яшил майдонларга тақлим этиб, машҳур футбол кирили Пеленинг сузарини эслатиб ўтаёмиз: «Майдон — текис, тўп — юмалоқ, ҳамма нарса максалди ҳаракатга боғлиқ!».

Муродулла ҒАФУРОВ.

ТАИЛАНДАДА XIII ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

ПЕКИН. Таиландда бўлиб ўтган XIII Осий ўйинларида китба мамлакатларидан 10 минг нафардан ортиқ спортчи иштирок этиши маълум бўлди. Машҳур ўйинлар жорий йилнинг 6-20 декабр кунлари Бангкокда ўтказилди. Хозир Таиланд ҳукумати бу ўйинларга қизғин таъбиргарлик ишлари олиб бораётди. Айниқса, спортчилар ва томошабинлар ҳавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу максатда мамлакат ҳукуки муҳофазат қилиш маҳкамалари хизматчилари учун махсус ўқув-машқлари бошланди. Полиция маҳкамаси вакилининг айтишича, машқларга террорчиликка қарши кураш бошқармасидан ҳам вакиллар иштирок этмоқда. (ЎЗА).

ЧЕМПИОНЛИКНИ «РАСМИЙЛАШТИРИШДА»

Ўзбекистон Республикаси VII миллий чемпионати олий табақа жамоалари бу йилги маъсумни якунладилар. Кунга кеча сўнги 30-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу сафар Тошкент вилоятининг «Дўстлик» ва «Металлург» жамоалари ўзаро куч синишдилар. Бу қизқарилган ўтган учрашувда майдон эгалари рақиб дарвозасини икки мартаба ишғол қилиб ўз дарвозаларидан бир тўп ўтказиб юбордилар ва 2:1 ҳисобида фоллиб келдилар. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ўз майдонида «Навбахор» жамоасини қабул қилиб ўз чемпионлигини «расмийлантириш» учун меҳмонлар устидан галаба қозонишлари лозим эди. Улар ўйиннинг бошидан фаол ҳаракат қилиб ҳужумга ўтдилар. Учрашувнинг тўртинчи дақиқасида тўпурарлар баҳсида қарвонбошилиқ қилиш учун курашаётган Игорь Шкирнин 11 метрлик жарима тўпини дарвозага аниқ йўллаб ҳисобни очди. Биринчи бўлим 1:0 ҳисобида якунланди.

Иккинчи бўлим ҳам майдон эгаларининг ҳужуми остида ўтган бўлсада наманганликлар бўш келмай қарши ҳужумлар уюштиришга муваффақ бўлдилар. Улар бир неча бор дарвозабон билан бирга бир чикиб имкониятдан унумли фойдалана олмадилар. Игорь Шкирнин ўзининг учрашувдаги иккинчи тўпини, умуман урган тўпларининг 22-сини дарвозага киритиб, ҳисобни 2:0га етказди. Учрашув охиригача ҳисоб ўзгармади. Ниҳоят беш йиллик танафусдан кейин томошагоҳдаги 30 мингдан ортиқ ишқибоз пахтакорчиларни чемпионлик унвони билан қутлаб олқилди. Кумуш медаль давгоғари Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида Термизнинг «Сурхон» футболчиларини қабул қилиб рақиб дарвозасини икки мартаба ишғол қилиб биринчи бўлими 2:0 ҳисобида якунланди. Иккинчи бўлимда майдон эгалари рақиб дарвозасига яна иккита тўп киритдилар ва ҳисобни 4:0 га ўзгартирдилар. Бу галабадан сўнг фарғоналиклар 69 та очко жамғардилар ва чемпионат-

нинг кумуш медали совриндори бўлдилар.

Андижонда майдон эгалари Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини қабул қилдилар. Уйиннинг йиғирма иккинчи дақиқасида майдон эгалари ҳисобни очдилар. Иккинчи бўлимнинг еттинчи дақиқасида Сардор Шарипов иккинчи тўпни рақиб дарвозасига киритди. Фақат етмиш биринчи дақиқадаги Александр Ждасов битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлди. Бу унинг чемпионатдаги 18-тўпидир. Учрашув 2:1 ҳисобида «Андижон» фойдасига ҳал бўлди. Худди шундай ҳисоб Тошкентнинг «Трактор» ва Урганчининг «Хоразм» жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳам қайд қилинди. Қаршининг «Насаф» жамоаси «Зарафшон»ни қабул қилиб 2:0 ҳисобида галаба қозонди. Қўқонда «Темир-йўлчи» билан «Бухоро» жамоаси куч синишди. Учрашувда тўла устунликка эга бўлган темирйўлчилар «Бухоро» жамоаси дарвозасини уч мартаба забт этдилар. Ўз дарвозаларидан эса бир тўп ўтказиб юбордилар. Натижанда ўз очколари сонини 43тага етказдилар. Пойтахтда «МХСК» жамоаси «Косонсой»ни қабул қилди. Кеча шунингдек 27-турда Худди ана шу учрашувда бу турдаги дарвозаларга кўп тўп киритилди. Армиячилар меҳмонлар дарвозасини уч мартаба забт этиб, ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юбордилар. Ниҳоят бу галаба армиячиларни 16-ўринни тарқ этиб 15-ўринга кўтарилишлари имкон берди. Чемпионатда яна битта ўтказилмаган учрашув қолди. Бу Фарғонда 12 октябрда ўтказилди. Шу кунги йиғирма бешинчи турда кечиктирилган

Талъат ЮСУПОВ.

Table with 6 columns: Жамоалар, У, Ю, Д, М, Т/Н, О. It lists 16 teams and their scores in the tournament.

МАОШ ЎРНИГА... ВИНО

ТЕКШИРУВГА солиқчилар келганини эшитиб жамоа ҳўжалиги раиси Қаҳрамон Алимбеков ва бош ҳисобчи Мирҳосил Саъдиев зимдан кўз уриштириб, олашди. Бундан «ишқилиб сирлар фол бўлмасинда, шахватимиз очилиб қолмасинда», деган маънони уқиб олиш қийин эмасди.

...Ҳаммаси завод қоровули Шокарим Шоабдуллаевнинг уқувсизлигидан бошланди. У сентябрь ойида заводдан нақд 15000 сўмга 200 литр вино сотиб олиб хонадонда устима нарҳда майдалаб пуллаб келаятган эди. Охири кун 50 литр винони 5700 сўмга сотаятган пайтда солиқчилар қўлга тушиб қолди. Дарҳол суриштирув ишлари бошланди. Шунда қалаваннинг уни Қирбай тумани Ризамат Мусаммаҳмедов номи жамоа ҳўжалиги қарашли вино заводига келиб ташди.

Солиқчилар фойдада

Лекин солиқчилар Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-қарорини қўрсатганларидан кейингина хушёр тортишди. Қарорда нақд пулга ҳам, иш ҳақи сифатида ҳам заводдан вино сотиш таъқиқланганлиги очик-ойдин ёзиб қўйилган эди. Қорхона раҳбарлари бундан гўё беҳабардек ким пул кўтариб келса ўша-га литрлаб эмас, тонналаб тайёр вино сотиб келаятган эканлар.

Белгиланган қонун-қоидага биноан завод ўз махсуслигини сотиш ҳуқуқига эга бўлиши учун олдин лицензия олиши, дўкон очиши ва шундан сўнггина нақд пулга жисмоний шахсларга вино сотиши мумкин. Завод омборидан тўғридан-тўғри махсуслот сотиш мумлақо таъқиқланган. Шу оддий қоида заводда қўпол ра-

Ҳар соҳадан бир шингил ИССИҚЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Дунёнинг етакчи суғурта компанияси ҳисобланмиш MUNICH RE жаҳондаги давлатларга инсон фаолиятининг оқибати бўлиши эҳтимоли ўзгариши оқибатида бўлаётган табиий офатлардан экитиб бўлишга чакирди. Компания вакиллари 1998 йилнинг биринчи ярмида табиий офатлардан қўрилган зарар 24 миллиард долларга етганини хабар қилишди. Бу 1997 йилдагидан ошиқ демак. 10 минг киши ҳалок бўлди; Бу ракам ҳисоб-китоблардан анча қўпдир. Компания томонидан тузилган Ер тўғрисидаги илм-фанни тадқиқ этиш гурҳи раҳбари Герхард Берцинг таъкидлашча, бундай ўзгаришлар ниҳоятда катта ҳалокатларга олиб келиши мумкин.

ТАНИШИШГА ИМКОНЛАРИ ЙЎҚ

Жаҳон ижтимоийшунослари дунёдаги демография танглигининг сабаблари хусусида бир тўхтамага келолмаётдилар. Гап бу ерда кам таракий этган мамлакатлар хусусида бораётгани йўқ. Балки бахтли оила куриб, яшаш учун барча имкониятлари бор бўлган давлатлар тўғрисида кетаётгани. Бирок америкалик аёллар, гўзал япон жонанлари тугишини ҳам, уларни ўз халқларининг энг яхши ананалари руҳида тарбиялашни ҳам ўйламаяптилар. Нима халал беради, деб ўйларис. Олимлар Америка Қўшма Штатларидаги муаммоларнинг барчасига феминизм-эркаклар билан тенг ҳуқуқлик сабаб деб ҳисобламоқдалар. Япон аёллари эса иш жойларини шу қадар яхши кўришар эканки, ҳатто бир-бирлари билан танишишга ҳам вақтлари бўлмас экан.

Зангиота тумани ҳокимлиги жамоаси Тошкент гўшт ишлаб чиқариш ҳасадорлик жамияти бошқаруви раиси, вилоят кенгаши депутаты Ҳасан Алимович ЙЎЛДШЕВНИНГ фожеали ҳалок бўлганини муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдиради.

Об-хаво ХАРОРАТ ПАСАЯДИ. Республика об-ҳавосини кузатиш бош бошқармаси мутасаддиларининг хабарига кўра, пойтахт ва Тошкент вилоятида 11-15 ноябрь кунлари ҳарорат кескин пасаяди. Дастлабки палларда ҳар дақиқда 12-17 метр тезликда шамол эсиб, айрим худудларда ёмғир қорға айланади. Ҳафтанинг иккинчи ярмига келиб ҳарорат бироз кўтарилди. Аммо кечалари 2-7 даражагача совуқ, кундуз кунлари эса 12-17 даража ичиликдан 1 даражагача совуқ ўртасида бўлади.

«ТОШГУШТСУЦАНОАТ» вилоят давлат акционерлик бирлашмаси ТУГАТИЛАДИ. Давлолар эълон қилган кундан бошлаб бир ой давомиде 144-37-30 рақамли телефон бўйича қабул қилинади. Миробод туманидаги «Қатъият» масъулияти чекланган жамияти ТУГАТИЛАДИ. Давлолар эълон қилган кундан бошлаб бир ой давомиде 40-08-96 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ • ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ. Муассис: БОШ МУҲАРРИР ФАТҲИДДИН МУҲИДДИНОВ. Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Шелефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.